**Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 202-ҳадис**

202أ/296 – وَفِي رِوَايَةٍ: وَهُوَ مُجَاوِرٌ فِي الْمَسْجِدِ، يُدْنِي لَهَا رَأْسَهُ، وَهْيَ فِي حُجْرَتِهَا، فَتُرَجِّلُهُ وَهْيَ حَائِضٌ.

202А.296 Урвадан сўралди: «Ҳайзли аёл менга хизмат қилса ёки аёл киши жунуб ҳолида менга яқин келса бўладими?»

Урва деди: «Буларнинг бари мен учун енгилдир. Уларнинг бари менга хизмат қилаверади ва бу ишда ҳеч кимга зарар йўқдир. Оиша менга хабар қилганки, у ҳайзли ҳолида ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сочларини тараб қўяр экан. Ўша кунлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда эътикофда эканлар. У зот бошларини унга яқинлаштирар, у эса ўз ҳужрасида туриб, ҳайзли ҳолида ҳам у зотнинг сочларини тараб қўяр экан».

---

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI